

Гуруҳларда фаол ўқишни ташкил қилиш технологияси

Рахматова Ф.М., ТДТУ ассистенти, Бабажанова Д.К., ТДТУ магистранти

Замонавий шароитларда таълим мустақил ижтимоий институтга айланиб, шахсни шакллантиришда, уни ривожлантириш, тарбиялаш ва ижтимоийлаштиришда алоҳида рол эгаллаб, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг асосий компоненти бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан касбий таълимнинг характери ва функциялари ўзгармоқда: у нафақат билимларни узатиши, маҳоратларни шакллантириши, балки ўз-ўзини билиш/аниқлашга бўлган қобилиятини ривожлантириши, бўлажак мутахассисларни мустақил амалларни бажаришга ва мустақил қарор қабул қилишга (компетенция) тайёрлаши, уларни ўзлари ва ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари/амаллари учун маъсулиятни ҳис қилишга ўргатиши керак.

Таълимда гуруҳлар билан ишлашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Гуруҳлар ҳам назарий билимларни ўқитишда ва ҳам иш жойида ўқитишда ташкил қилиниши мумкин. Бунда умумий ўқув гуруҳи маълум муддатга майдароқ гуруҳчаларга бўлинади. Бу гуруҳчаларнинг ҳар бири мустақил ишчи топшириқни ечиши керак. Гуруҳий иш натижалари кейинчалик умумий гуруҳда ишни давом эттириш учун фойдаланиши мумкин.

Ижтимоий компетенция, командада ишлаш қобилияти, коммуникацион қобилият, тиришқоқлик ва ҳамкорликка қобилият – бу ерда аҳамиятга эга бўлган баъзи қобилиятлардир. Одамлар ҳамкорлик қиладиган ҳамма жойда уларнинг манфаатлари, шахсий сифатлари ва характерлари ҳамкорликни яхшилайдиган ёки ёмонлайди. Шу сабабли гуруҳда ишни ташкил қилиш индивидуал ишни ташкил қилишга қараганда анча мураккаб бўлади.

Гуруҳий ишдаги вазиятлар:

- бир мавзу бўйича гуруҳий иш;
- турли мавзулар бўйича гуруҳий иш.

Бир мавзу бўйича гуруҳий ишда ташкил қилинган ишчи гуруҳчалар бир хил ишчи топшириқ олишади. Ишчи топшириқни ечиш учун шароитлар ҳам

шунга ўхшаш усулда шакллантирилади. Бунда гуруҳий иш амалга оширилгандан кейин ечимларнинг турли вариантлари бир-бири билан солиштирилиши мумкин. Натижада кўп ҳолларда рақобатли вазият вужудга келади, унинг ечими жараёнида иш реал рақобатли структурага ўхшайдиган ҳолатгача боради. Бунда мумкин қадар ишчанлик қобилиятлари бир-бирига тенг бўлган гуруҳчалар тузишга интилиш керак.

Бир мавзу бўйича гуруҳий ишни ташкил қилиш босқичлари:

- мавзу ва ўқув мақсадларини муҳокама қилишади;
- ҳамма гуруҳчалар бир хил топшириқ олишади;
- ҳамма гуруҳчалар бир хил масала устида ишлашади (ташкил қилиш бўйича ички келишув);
- гуруҳчалар ўзлари эришган натижаларни умумлаштиришади;
- гуруҳчалар ўзлари бажарган иш натижаларини тақдим этишади;
- ишлар натижалари солиштирилади, муҳокама қилинади ва мувофиқлаштирилади.

Ҳар хил мавзулар бўйича гуруҳий ишда ишчи топшириқ жузъий топшириқларга бўлинади, уларнинг фақат мажмуаси тўлиқ маъноли ечимни беради. Бу ҳолда ҳар бир гуруҳча ўзининг хусусий топшириғини олади ва уни индивидуал бажаради. Меҳнатнинг бундай тақсимотининг структурасини тузиш бироз мураккаброқ бўлади, чунки бу топшириқни ечишда турли муаммолар – шарт-шароитлар ва вақт даврларини ҳисобга олишга тўғри келади. Бундай ёндошувда ишчи гуруҳчалар фақат ўзларининг жузъий жабҳасига эга бўладилар ва бошқа гуруҳчаларнинг жабҳалари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмайдилар. Шунинг учун бу ерда натижалар ҳақида гуруҳчалар маълумотлар олиши лозим бўлади.

Ҳар хил мавзулар бўйича гуруҳий ишни ташкил қилиш босқичлари:

- мавзу ва ўқув мақсадларини муҳокама қилинади;
- топшириқ жузъий топшириқларга бўлинади;

- жузъий топшириқлар ва жузъий мақсадлар гуруҳчаларга бириктирилади ёки уларнинг ўзи танлайди;
- гуруҳчалар топшириқ устида ишлайди (ташқил қилиш бўйича ички келишув);
- гуруҳчалар ўзлари эришган натижаларни умумлаштиришади;
- гуруҳчалар ўзлари бажарган иш натижаларини муайян кетма-кетликда тақдим этишади;
- жузъий натижалар муҳокама қилинади;
- жузъий натижалар умумий натижага умумлаштирилади.

Гуруҳий ишда масала қўйилиши ёки масалаларни танлашга ўйлаб ёндошиш лозим. Танланган масала коммуникацияга бўлган қобилиятни ва ҳамкорликка бўлган қобилиятни ривожлантириш каби мақсадларга йўналган бўлиши керак. Ҳар бир ишчи масалада уни гуруҳий ишда ечиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Ақлий ҳужум, ролли ўйин, ишбилармонлар ўйини, лойиҳавий иш каби ўқув шакллари гуруҳларда ишлашга мос келади.

Ақлий ҳужум шаклида иш ташқил қилинганида ўқувчиларда ижобий мотивация ҳосил қилишга, ғояларни холисона ишлаб чиқишга урғу берилади. Ўқув шакли *ролли ўйин* бўлганида ўқувчилар ўзларини олдиндан режалаштирилган муайян вазиятга қўйиши ва импровизация қилиб белгиланган доирада махсус ролни бажарадилар. Бунда мотивлар, аргументлаш техникаси, хулқ-атвор ва муаммога нисбатан нуқтаи-назарлар назорат қилиниши мумкин. *Ишбилармонлар ўйини* муайян муаммоли вазиятда турли ечимларни кўриб чиқиш имконини беради. Бунда ўқувчилар муаммога таъсир қилувчи турли омиллар ҳар хил ечимларда натижага қандай таъсир қилишини билиб оладилар. *Лойиҳавий иш* орқали гуруҳий иш бажарилишида лойиҳа муайян чегараларда тақдим этилиши талаб этилади. Бу усул масалалар ечими комплекс топшириқлар негизида меҳнат тақсимланишига асосланган.